

STANDART



2018 /// 3

“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ

НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ АГЕНТСТВА “УЗСТАНДАРТ”

“UZSTANDARD” AGENCY’S SCIENTIFIC-TECHNICAL JOURNAL





**Муассис: Стандартлаштириш,
метрология ва
сертификатлаштириш
илмий-тадқиқот институти**

Бош муҳаррир - Д.Н.Сагдаров
“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори

Таҳрир кенгаши:

- Шукуров Ж.Н. - “Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори ўринбосари
- Абдуқаюмов А.А. - “Ўзстандарт” агентлиги
Бош метрологи
- Исматуллаев П.Р. - т.ф.д., профессор
Газиев Г.А. - СМСИТИ директори
Мақсудов Э.Т. - т.ф.д., профессор
Матякубова П.М. - т.ф.д., проф. Тошкент
Давлат Техника
Университети кафедра мудири
- Муҳиддинов М. - т.ф.д., профессор
Негматов С.С. - ЎзФА академиги, т.ф.д.
Тоҳиров О.З. - “Ўзстандарт” агентлиги
бошқарма бошлиғи
- Ҳақимов О.Ш. - т.ф.д., профессор
Ҳамроқулов Ғ.Х. - к.ф.д., проф. Тошкент кимё
технология институти
- Юсупбеков Н.Р. - ЎзФА академиги, т.ф.д.,
проф.
- Расулов А.Т. - «Ўзстандарт» агентлиги -
матбуот котиби
- Насиров М.Д. - масъул котиб
Сакиев К.Б. - мутахассис
Камолова Д.Т. - дизайнер

Манзил: Тошкент ш., Чўпонота кўчаси,
9“в” уй.
Тел: (0 371) 250-01-05; 280-50-24
E-mail: info@smsiti.uz

Таҳририятга топширилган илмий-
техник мавзудаги мақолалар
қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи-назаридан фарқ қилиши
мумкин.
Кўчириб босилганда нашр номи
кўрсатилиши шарт.
Нашр Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 2013 йил 2 майда
0021 рақами билан рўйхатга олинган.
ISSN 2181-7634
Босишга рухсат этилди 18.11.2018 йил
Бичими 60x90 1/8
Шартли босма табоғи 5.58
Адади 1500 нуска
«ECO TEXTILE PRODUCT»
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Учтепа тумани,
Чилонзор 14/32 «а» уй
Тел: (+99871) 274-24-80
Буюртма № 413 П-С

Абдураф РаСУЛОВ

☑ 1. Азия ва ягонасан, жонажон Ўзбекистоним!

Мансур ЭРГАШЕВ

☑ 4. Повышение квалификации - пространство новых возможностей

Азиз РАСУЛОВ

☑ 6. Халқаро стандартлар талаблари асосида сифат менеджменти тизимларини жорий этиш - маҳсулот сифати ва хавфсизлиги гаровидир /// Внедрение систем менеджмента качества по требованиям международных стандартов - гарантия качества и безопасности продукции

Шербек ЭРБЕКОВ

☑ 11. Техническое регулирование в сфере автомобильного транспорта

Динара КРАЙНЮКОВА

☑ 15. Метрология, стандартизация, сертификация, системы менеджмента - гаранты качества жизни

Гавхарой ШЕРТОЙЛОҚОВА, Ваҳобжон НИШОНОВ

☑ 21. Тиббиёт соҳасида сифатли метрологик хизматни ташкил этиш

Ғуллом МАННОНҚУЛОВ, Ражаб АЛИБЕКОВ,

☑ 23. Жиззах вилоятида метрология соҳасини ривожлантириш йўлида

☑ 25. СТАНДАРТЛАШТИРИШ///СТАНДАРТИЗАЦИЯ:

Стандартизация - основа продовольственной безопасности

Саидахроп ОҚИЛОВ

☑ 28. ҚАРОР ВА ИЖРО: «Made in Uzbekistan» муҳри билан «Ҳалол» маҳсулотлар

Ортоғоли ХАКИМОВ, Виктор СТЕПАНЬЯЦ, Юлия ТОПОРКОВА

☑ 32. О процедуре оценки неопределенности при калибровке средств измерений (на примере СП АО «Uzkabel»)

Содиржон ҚУНДУЗОВ, Исомиддин ТЎЛАГАНОВ

☑ 35. Қишлоқ хўжалик техникаларини комплекс баҳолаш тўғрисида

Бахтиёр ШАЙМАРДАНОВ, Абсаттор ХАЖИЕВ,

Алписбай ТОЛИБОЕВ, Дилшод САТИВАЛДИЕВ

☑ 37. Пересмотр и разработка стандарта на испытание машин и орудий для обработки почвы в садах


Умида ШАКИРОВА, Нокибулло БАБАЕВ

☑ 40. Цементы с низкой водопотребностью на основе органо-минеральных добавок

Ҳаётилла АТАУЛЛАЕВ, Муроджон АКРАМОВ

☑ 44. Саноат соҳасидаги «Катта маълумотлар»: инновацияларни қўллаб юқори унумдорликка эришиш

☑ 48. Соревновательный дух помогает повышать качество



УДК 61.0

ТИББИЁТ СОҲАСИДА СИФАТЛИ МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Гавҳарой ШЕРТОЙЛОҚОВА

- *Андижон ССМ ДК, метрология бўлими етакчи мутахассиси*

Воҳобжон НИШОНОВ

- *Андижон ССМДК, менежмент тизимларини сертификатлаштириш бўлим мутахассиси*



Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 112-сонли қарор ижроси юзасидан Андижон синови ва сертификатлаштириш маркази – давлат корхонасида амалга оширилаётган чора тадбирлар муҳокама қилинган.




Аннотация

В этой статье рассматривается реализация Указа № 112, принятый Кабинетом Министров Республики Узбекистан, ГП Андижанский испытаний и сертификации.

Республикамызда инсон саломатлиги ҳамда унинг манфаатларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли барча соҳаларда, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам фаолиятлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Республикамызнинг соғлиқни сақлаш тизимиغا хорижий давлатлардан кириб келаётган замонавий тиббиёт ускуналар касалликларни тўғри ташхислаб бериш, вақтни тежаш ҳамда иш самарадорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда қайси бир тиббиёт муассасасида, яъни республикамызнинг етакчи клиникаларидан тортиб, чекка ҳудудларда фаолият юритаётган кишлоқ врачлик пунктларидаги замонавий тиббиёт ускуналарини ҳамда янги технологияларни кўриб, юртимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланганлигини англаймиз.



Лабораторияга оид тадқиқотлар сифатини яхшилаш, метрологик таъминотни ривожлантириш, тиббиёт ташкилотларида фойдаланиладиган тиббий техникага техник хизмат кўрсатиш ва уни синовдан ўтазиш тизимини такомиллаштириш асосида аҳолига тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ва ҳавфсизлигини ошириш мақсадида, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 112-сонли “Тиббиётда қўлланиладиган лаборатория ва диагностика ускуналарининг метрологик текширувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қарор юзасидан “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қатор устувор вазифалар бажарилиши



белгиланган. Қарорга асосан, Андижон ССМ ДК “Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви” бўлимида “йўл харитаси” ҳамда режалаштирилган ишлар юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази – давлат корхонаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятда мавжуд метрологик текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш тавсифларига эга бўлган тиббий техниканинг рўйхати юритилди;

- “Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви” бўлими техник базасини намунавий ўлчаш воситалари билан таъминлаш мақсадида замонавий ўлчаш воситаларини сотиб олиш режалаштирилди;

- Ушбу намунавий ўлчаш воситаларини қўллаш учун малакали мутахассисларни ўқув малака ошириш курсларига юборилмоқда.

Мазкур йилнинг май ойида Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази – Давлат корхонаси ҳамда Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда семинар ўтказилди.

Семинарда кун тартибига асосан, вилоятимизда соғлиқни сақлаш фаолиятида қўлланилаётган, метрологик тавсифларга эга бўлган тиббий техникаларни давлат қиёсловидан ўтказиш ва бу орқали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш, тиббий ўлчаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни давлат қиёсловидан (синовларидан) ўтказиш тартиби, ҳамда айни пайтда “Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви” бўлими томонидан давлат қиёсловидан ўтказилаётган тиббиёт соҳасига тегишли бўлган ўлчаш воситалари юзасидан семинар қатнашчиларига тушунчалар берилди.

Семинарда вилоятдаги мавжуд барча турдаги тиббий ташкилотлар вакиллари, Андижон машина-созлик институти “Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” кафедраси ходимлари ва магистрантлари қатнашдилар. Семинар қизғин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтказилди. Йиғилганлар мавзуга оид саволлар билан мутахассисларга мурожаат этиб жавоблар юзасидан фикр алмашдилар.

Бундан ташқари марказ мутахассислари томонидан халқаро стандартлар ва давлат стандартларини солиштириш мақсадида ИСО 13485:2003 ҳамда ИСО 14971:2007 халқаро стандарт талаблари ўрганиб чиқилди. Ушбу стандартлар Европа Иттифокида Тиббий асбоблар Директиви (MDD) билан уйғунлашган ва сўнгги пайтларда FDA томонидан QMS талабларини етарлича бажарилишини таъминловчи асосий манба сифатида қабул қилинган. ИСО 13485:2003 талабларига асосан QMS таркибида ташкилотлар хавф-хатарларни бошқариш фаолиятини амалга ошириши керак.

Тиббий асбоблар сифатини яхшилаш ва тартибга солиш учун ишлаб чиқариш корхоналари барча хавфларни аниқлаши ва уларни камайтириш учун тегишли чоралар кўришлари керак. ИСО 14971:2007 тиббий асбоблар ишлаб чиқиш учун хавфларни бошқариш жараёнининг талабларини тавсифлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 112 сонли қарор ижросини таъминлаш орқали тиббиёт ускуналаридан фойдаланишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олишда ҳамда ўлчов воситаларини юқори аниқлик билан ишлашига эришилади. Бу эса ўз навбатида тиббиёт соҳасида касалликларга қўйилаётган ташхислар ва даволаш усулларининг сифатини орттиради ҳамда инсон соғлиғи билан боғлиқ бўлган турли хил нохушликларнинг олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. [1] *Исматуллаев П.Р. ва бошқ. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001;*
2. *Сборник статей в научно-практической конференции «Роль метрологических служб в решении задач метрологического обеспечения», 8-12 октября 2012 года;*
3. *ISO 14971 (2007) – Medical Devices – Application of risk management to medical devices, Switzerland, ISO.*
4. *ISO 13485:2003 (2003) Medical devices – Quality management systems – Requirements for regulatory purposes. Second ed. Geneva, Switzerland, ISO. <http://mxkm.uz>*

